

## **WAYS OF CAREFUL USE OF NATURAL RESOURCES IN PRE-SCHOOL EDUCATION**

**Bekhzodbek Madumarov,  
teacher of Andijan State Pedagogical Institute**

**Annotation:** in this thesis, some issues of the formation of preliminary concepts for saving electricity in children of preschool age are discussed. The author notes that skills formed in children will be of decisive importance throughout their lives.

**Keywords:** electricity, preschool, methodology, thrift

## **МАКТАБАГАЧА ТАЪЛИМДА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ЭҲТИЁТКОРОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Бехзодбек Мадумаров,  
Андижон давлат педагогика институти ўқитувчisi**

**Аннотация:** Ушбу тезисда мактабгача таълим ёшидаги болаларда электр энергиясини тежаш бўйича дастлабки тушунчаларни шакллантиришнинг айrim масалалари хусусида сўз боради. Муаллиф болаларда шаклланган кўникмаларнинг умри давомида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** электр, мактабгача таълим, методика, тежамкорлик

Мактабагача таълимда табиий ресурслардан эҳтиёткорона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга молик масалалардандир.

Биринчидан, болалар катталар каби электр энергиясининг тўлақонли истеъмиолчилари ҳисобланади. Иккинчидан эса электр энергиясини эҳтиёткорлик билан, тежаб-тергаб ишлатишга ўрганган бола умр бўйича на шундай ёндашувни сақлаб қолиш эҳтимоли юқоридир. Учинчидан эса, электр энергиясини физик хусусиятларини хавфсизлигини таъминлаш даражасида ўрганиш боаллар учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кўйидаги каби казус ларни маълум бир методлар орқали болаларга тушунтириш имкониятлари мавжуд.

Энергетик кризислар ва нархларнинг ўзгариши қўпчилик одамларнинг электр энергиясидан тежаб фойдаланишига туртки бўлмоқда. Ушбу харажатларни камайтириш учун, энг аввало, уйимизда нима энг кўп электрни “еб қўйяпти” деган саволга аниқлик киритиш, керак бўлса, баъзи одатларимизни ўзгартиришга тўғри келади.

Франциянинг Schneider Electric энергия истеъмолини бошқариш компанияси мутахассислари уй хўжаликларида энг кўп энергия истеъмол қилувчи ускуналар рўйхатини тузиб чиқди. Ушбу рўйхатда иситиш ва совитиш жиҳозлари биринчи ўринни банд қилган – уларнинг ҳиссасига жами истеъмолнинг 50–70 фоизи тўғри келади.

“Кондиционер, чангюткич сингари катта жиҳозлар уй хўжалигида электр истеъмолининг катта қисмини олади. Бундай жиҳозларнинг электр сарфи жами истеъмолнинг 50 – 70 фоизини ташкил қилиши мумкин. Бу – жиҳознинг иситиш ёки совитиш мосламаси эканлигига боғлиқ. Иситиш жиҳозлари совитиш жиҳозларига қўра анча кўп энергия талаб қиласи”, дейди компания инженери Андрюс Перявичюс.

Унинг сўзларига қўра, сув иситиш мосламалари (бойлерлар) энг кўп энергия сарфловчи жиҳозлар рўйхатида иккинчи ўринда туради. Агар бойлерда иситиладиган сув ювениш, идиш ювиш, кир ювишга ишлатилса, бу харажатлар ҳиссаси йиллик истеъмолнинг 12 фоизигача етиши мумкин. Электр сув иситкичнинг сарф кўрсаткичлари оила аъзолари сонига ҳамда

уларнинг тежамкорлик маданиятига чамбарчас боғлиқ. Баъзи ҳолатларда у ойига 400 киловатт-соатгача етади.

Бундай ускуналарнинг истеъмолини фақатгина қатъий назорат орқали камайтириш мумкин. Масалан, уйда узоқ вақт бўлмаган пайтингиз “таътил” режимини ёкиб қўйиш мумкин. Шунингдек, сувдан хеч ким фойдаланмайдиган соатларда бойлерни ўчириб қўйса ҳам бўлади.

Ўртacha олганда, кир ювиш машинаси йиллик истеъмолнинг 2–5 фоизини, идиш ювиш машинаси 2–3 фоизини, электр плита ва духовка 8 фоизини ташкил этади. Табиийки, ушбу электр жиҳозларнинг сарфи улардан қанчалар кўп фойдаланишимизга боғлиқ. Кир ва идиш ювиш машиналарини фақат тўлдирган ҳолда ишлатиш орқали энергия сарфини анчагина камайтириш мумкинлиги исботланган.

Компьютерлар, телевизорлар, гаджетлар ҳам бугунги кунда анча оммалашган ҳамда жами харажатларимизнинг тахминан 10 фоизини “еб қўяди”. “Ушбу ускуналар одатда уйдаги тармоқда уланган ҳолда қолдирилади ва ёқилмаган вақтда ҳам ток олади”, дейди А.Перявичюс.

Үйимизни ёритиш учун ўртacha статистикага кўра, жами харажатларнинг тахминан 10–12 фоизи кетади. Агар ёруғлик диодли лампалар ўрнига қўйма лампалардан фойдаланилса, бу кўрсаткич бир неча баравар юқори бўлиши ҳам мумкин. Чироқ ҳақида гап кетганда, электрни тежашнинг энг оддий усули – хеч кимга керак бўлмаган хоналарда чироқни ёқиқ қолдирмаслиkdir.

Стандарт музлаткич йилига ўртacha 150 киловатт-соат энергия истеъмол қиласи. Бироқ мутахассисларнинг таъкидлашича, музлаткич хона девори ёки бурчагига ўта яқин қўйилса ва ҳаво айланиши яхши бўлмаса, жуда иссиқ хонада турса, энергия сарфи ошиб кетади. “Яна бир жиҳат – музлаткич 3/4 қисмга тўлдирилган ҳолатда самарали ишлайди. Шу сабабдан унинг эскирган нарсалар билан тўлиб қолишига йўл қўймаслик керак”, дейди А.Перявичюс.

Хулоса ўрнида айтганда, уйда ҳамдаофисда аксарият энергия тежамкор ечимларни тез ва осонлик билан рўёбга чиқариш мумкин. Бунинг учун

алоҳида инвестиция ёки катта бир меҳнат талаб этилмайди. Аввало, ўз хонадонимизни (ёки оғисимизни) вақт ажратиб аудитдан ўтказишимиз лозим бўлади. Ҳар ким бугунги истеъмол кўрсаткичидан қатъи назар, тежаш учун қандайдир ортиқча нарсани топади.

Бу ерда яна бир жиҳатни унутмаслик лозим. Фанда “Хулқ-автор иқтисодиёти” деган назария бор (*унинг асосчиларидан бири бўлган Ричард Талер 2017 йилда Нобель мукофотига лойик кўрилган*). Ушбу назарияга кўра, одамлар баъзида ўз хулқ-авторига зид бўлган, иқтисодий иррационал ҳаракатлар қиласи. Масалан, фитнес-клубга абонемент сотиб олади, аммо бормайди.

Энергия ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор ва масъулиятли бўлиш, аввало, ҳеч бўлмаганда, ўз истеъмолини қатъий назорат қилиш кўнилмаларини шакллантиришда айнан шу иқтисодий моделдан самарали фойдаланиш мумкин. Оддий мисол: сизнинг телефонингизга ҳар ой келадиган ойлик электр истеъмоли тўғрисидаги одатдаги қуруқ статистик маълумот билан бирга, ушбу хонадон бир ойда ўз маҳалласи, тумани ва республикадаги ўртacha истеъмолдан кўпроқ/камроқ ишлатгани кўрсатиб берилса, бу маълумот ҳар қандай одамни ўйлашга, ўз истеъмолини “жиловлашига” жуда кучли туртки бўлади.

Юқоридаги казусдан кўриниб турибдики, электр энергиясини тежамкорлик билан ишлатишни болаларга тушунтириш имкониятлари мавжуд. Мисол учун, аввалимбор мураккаб физик ҳодиса бўлган электр эренгиясини ҳақида маълумот бериш азур бўлади. Бунда электр энергиясини мусбат ва манфий зарядлардан ҳосил бўлишини, унинг фойдали томонлари билан бирга нотўғри фойдаланиш оқибатида инсон ҳаётига нуқта қўйиши мумкинлигини қўргазмали қурол воситалари ёрдамида стимуляцион вазиятни уюштириш тушунтириш мумкин.

Шунингдек, электр энергияси товар экани, шу сабабли уни ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, ҳар бир истеъмолчи уни сотиб олиши

мумкинлигини тушунтириш зарур бўлади. Бунда бир киловаат соат энергияни бир соат ёниб турган кондиционер мисолида бир дона олма ёки песеньега қиёс қилиб кўрсатиш мумкин. Бу эса электрнинг кўринмагани билан маълум бир миқдордаги пул экани ва қимматли маҳсулотлигини намоён этади.

### Адабиётлар

1. Черных А. С.. "ОСНОВНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ" Актуальные проблемы авиации и космонавтики, vol. 3, 2019, pp. 808-810.
2. Тошева Д.И.. "ОБУЧЕНИЕ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ РАЦИОНАЛЬНОМУ ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ" Вестник магистратуры, no. 4-4 (91), 2019, pp. 19-20.
3. Маркова, О. Ю. (2013). Современные аспекты экологического образования. Вестник Красноярского государственного аграрного университета, (5), 247-250.